

ҚОРАҚАЛПОҚ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДҚОРЛИГИНИНГ ТУТҒАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Қ.Б.Бийсенбаев – таянч докторант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: болалар фольклори, халқ ўйинлари, халқ кўшиқлари, эпик асарлар, эртақ.

Ключевые слова: детский фольклор, народные игры, народные песни, былины, сказки.

Key words: children's folklore, folk games, folk songs, epic works, fairy tales.

Қорақалпоқ болалар адабиёти ҳам ўз ички манбалари ва жаҳон адабиёти сарчашмаларидан озикланиб, алоҳида адабиёт сифатида шаклланди.

«Болалар адабиёти илдизлари халқимизнинг асрлар оша яратган оғзаки адабиёти, унинг намуналари ҳисобланган болалар ҳақидаги халқ кўшиқлари, болалар фольклори, эртақ, афсона, тез айтиш, топишмоқ, мақол ва маталлар, эпик асарлардаги болаларга тегишли мерослар сарчашмаларига бориб тақалади»

Фольклор таъсирида юзага келган болалар адабиёти бўйича қорақалпоқ адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида Н.Давқораев, Қ.Айимбетов, И.Қурбанбаев, Қ.Махсетовлар ўзларининг қарашларини ва концепцияларини билдирган ва уларни таснифлаган. Масалан, болалар шеърлари хусусиятларига қараб Н.Давқораев: «У хусусиятлар энг аввало уларнинг жамоа бўлиб айтилишида, иккинчидан, улар халқ ўйинларини ижро этиш пайтида, учинчидан, улар савол-жавоб тарзида айтилади, деб улар мавзу жиҳатида хилма-хил эканлигини» қайд қилади ва уларни тур ва жанрларга ажратади [2:136-137]. Олим фольклордаги болалар адабиётининг ижрочилари, ижро этилиш тартиби, уларнинг болалар фикр-хаёлини ўстиришдаги роли масалаларини ўрганади.

Қ.Айимбетов эса «ўйин-завқ шеърлари болалар ўйини эканлигини, болалар жамоа бўлиб ўйин ўйнаганларида ўйинларининг баъзилари поэтик шеърлар билан ижро этилади», деб ёзади [3:23-24].

Маълумки, болалар шеърлари ёки болаларга аталган бошқа асарлар ўйинлар билан яқин алоқада бўлган. Чунки болалар ҳар хил ўйинлар ўйнаш билан бирга, биринчидан, ўзларининг жисмидаги жисмоний талабни қондирса, иккинчидан, улар мазкур ўйинларга кўшиб, ҳар хил шеърлар ва бошқа бадий асарлар намуналарини ижро этиб, фикр-хаёлини ривожлантиради, бошқача айтганда, руҳий талабини қаноатлантиради. Бадий ижод билан ўйиннинг ҳамнафас бўлиши ҳақида адабиёт назариячилари кимматли фикрлар баён қилганлар.

XIX-XX асрлар мутафаккирлари инсоният ҳаётининг ибтидосида ўйинларнинг тутадиган ўрни ҳақида кимматли фикрлар баён этган. Ф.Шиллер инсон ўйинлар ўйнаб ўсасига ҳақиқий инсон бўлиб ўсади, деб тасдиқлайди. Й.Хейзенг эса инсоният маданияти ўйин орқали шаклланади, дейди. Ёзувчилар ва олимлар (Л.Толстой, Т.Манн, В.Ф.Переврзев) бадий ижоднинг ўзи ўз мазмунини бўйича ўйиндан ўсиб чиққанини, у алоҳида хусусиятга эга бўлган ўйиннинг бир туридир, деб изоҳлайдилар.

Болалар фольклорида бундай аралаш ўйинлар генезиси, ривожланиш босқичлари, жанр хусусиятлари бўйича кўпгина фольклоршунос ва адабиётшунослар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган. Масалан, рус фольклоршунослигида Г.С.Виноградов, И.О.Капица, В.П.Аникин, М.Н.Мельников, А.Н.Мартинова [4:63] ўзбек фольклоршунослигида Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров, С.Авезов, Н.Сафарова, қорақалпоқ адабиётшунослигида И.Қурбанбоев кабилар болалар шеърлари ва ўйинларининг генетик чиқиб келишини илмий нуқтаи назардан ўрганишган. Ажабланарлиси шундаки, генетик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган халқлар фольклорида ҳам ушбу масалалар мавжудлиги тадқиқотчилар томонидан тан олинган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида «Оқ теракми,

кўк терак» кўшиғи рус, ўзбек, қозоқ, тожик, татар, қорақалпоқ халқлари оғзаки ижодида унинг болаларга мўлжалланганлигини илмий жиҳатдан исботлаганлар.

Ш.Ғалиев «Оқ теракми, кўк терак» ўйинининг тарихий генезисига тўхталиб, унинг қадимий уруғ-қабилчилик даври билан боғлиқлигини қайд этса, Р.Ягъфаров ўйиннинг асосий илдизи қадимги даврдаги «дарахт» га сиғиниш одатларига бориб тақалишини таъкидлайди, О.Сафаров эса, ушбу ўйиннинг бир қанча вариантларини тўплаб, уларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатларини аниқлайди ва уларни «айтишма-ўйинлар» [5:196], деб атайди.

Н.Сафарова «Оқ теракми, кўк терак» шеърининг пайдо бўлиш генезисини мифологик қарашларга олиб бориб боғлайди. Унда ота-боболаримизнинг теракка сиғиниши акс этганлигини таъкидлайди. Оқ терак юмшоқроқ, кўк терак қаттиқроқ эканлиги, иккинчидан, оқ рангни инсонлар «бахт ва улувворлик» тимсоли деб тушуниши, кўк рангни мангулик рамзи сифатида идрок қилиши натижаси ўлароқ шеърга кўчганини қайд қилади [6:47].

Болалар фольклоридаги кўшиқларнинг рус, татар, қозоқ, туркман, тожик, доғистон, грузин, латиш ва бошқа халқларда ижро этиладиган ўйин ва кўшиқларига ўхшашлигини кузатиш мумкин. Шу сабабли ҳам болалар кўшиқларидаги типологик ўхшашликлар ва фарқларни киёсий ўрганиш зарурати ҳозирги даврда яққол сезилмоқда.

Эртақлар эса ўша миф, афсона, ривоятлар, асосида пайдо бўлиши эҳтимоли бор. Чунки эртақларда мифологик, афсонавий сюжетларни, образларни учратиш мумкин.

Рус фольклоридаги эртақлар тадқиқотчиси В. Я. Пропп халқ эртақлари реал ҳаёт воқеаларининг оддий акси эмас, балки уларнинг поэтик трансформацияси эканлигини тушунтиради [7:107]. П.Шермухаммедовнинг докторлик диссертациясида XX аср ўзбек болалар адабиётининг пайдо бўлиши, ривожланиши, жанрларининг шаклланиши масалалари ўз ечимини топган. Диссертант XX асрнинг 20-йиллари ўзбек болалар адабиёти учун – эстетик йўналишларни излаш, жанрий тақомиллаш йиллари бўлди. У ўша йилларда ижод этган С.Айний, Элбек, Шокир Сулаймон, Султон Жўра, Мажид Файзий, Зафар Диёр, Илёс Муслим, Шуккур Саъдулла асарларини таҳлил қилган.

Ўзбек болалар адабиёти бўйича бажарилган яна бир катта тадқиқот Охунжон Сафаровнинг «Ўзбек болалар поэтик фольклорининг жанрий таркиби ва поэтикаси» номли докторлик диссертацияси ҳисобланади.

XX аср охири – XXI аср бошларидаги қорақалпоқ болалар адабиётининг илдизлари миллий фольклорга бориб тақалади. Болалар фольклори асрлар оша болаларнинг руҳий олами ва жисмоний талабларини қаноатлантириш йўлида ўсиб, ривожланди. Болалар ҳар хил ўйинларни санъат намуналарини, адабий асарлар билан омикта ҳолда ижро этган. Бу ҳодиса уларнинг ақлий, руҳий ва жисмоний камолотга эришишига замин яратган.

Болалар адабиётининг пайдо бўлишининг яна бир таянчи қадимий ёзма адабиёт, шунингдек, туркийзабон халқлар адабиёти ҳисобланади. Қадимги туркий адабиётда махсус болалар адабиёти шаклланмаса ҳам балки унинг ғоявий-бадий асослари юзага кела бошлади. Дидактик фикр-мулоҳазалар айнан туркий

адабиётларда кенг ривожланди ва бу ўз навбатида болалар таълим-тарбиясига мувофиқ келди. Шунингдек, Европа, Ўрта ва Марказий Осиё халқлари орасида қадимги даврлардаёқ болаларга аталган асарларнинг мавжудлиги ва уларнинг бадиий эволюцияси миллий адабиётларнинг бойишига хизмат қилган. Қорақалпоқ халқ эртақлари сюжетининг бадиий

эволюцияси, топишмоқ ва тез айтишларнинг бадиий қайта идрок этилиши ҳозирги болалар адабиёти жанрлар таркибининг хилма-хиллигига ва ривожланишига асос бўлган. Шу сабабли ҳам фольклор билан болалар адабиётидаги жанрлар типологиясини ўрганиш адабиётшунослик учун салмоқли илмий хулосаларга келишга имкон бериши табиийдир.

Адабиётлар

1. Курбанбаев И. Қорақалпоқ балалар әдебияты: - Нөкис: "Билим", 1992, 17-б.
2. Дәўқараев Н. Шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997. – Т. II. 136-137-б.
3. Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. 23-24-б.
4. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: «Высшая школа», 2000. – С. 63.
5. Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. – Тошкент: 2004. 196-б.
6. Сафарова Н. Ўзбек болалар ўйин фольклори табиати. – Тошкент: «Фан», 2008. 47-б.
7. Пропп В.Я. Морфология сказки. – М.: «Наука», 1960. – С.107

РЕЗЮМЕ. Мақолада қорақалпоқ болалар фольклорининг шаклланишида болаларга тегишли мерослар асос бўлган, деган фикр илгари сурилган. Болалар кўшиқлари типологик жиҳатдан солиштирилиб, генезис масалалари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье утверждается, что в основе формирования каракалпакского детского фольклора лежало детское наследие. Проведено типологическое сопоставление детских песен и проанализированы вопросы генезиса.

SUMMARY. The article argues that the formation of Karakalpak children's folklore was based on children's heritage. Children's songs were typologically compared and genesis issues were analyzed.

BAQSISHILIQ MEKTEPLERININ KORKEM ATQARISHILIQ ONERI

A.A.Erejepov – *pedagogika pánleri boyınsha filosofiya doktori, docent*

Nökis qalası Esjan Baqsı atındağı 1-sanlı balalar muzıka mektebi

Tayanch soʻzlar: baxshi, sanʼat, ijrochi, usul, maktab, folklor, doston, tarix.

Ключевые слова: бахши, искусство, исполнитель, методика, школа, фольклор, эпос, история.

Key words: bakhshi, art, performer, method, school, folklore, epic, history.

Hár bir xalıqtın milliy muzıkasınıń ózgesheligi, olardıń tili hám ómir tárızın, ázeliy tariyxı hám mádeniyatı, eń áweli onıń awız eki dóretiwshiligi–folklor kórkem ónerinde, dástan atqariwshılıǵında ayırıqsha orın tapqan bolıp, bular millettiń ózligin ańlaw, onıń ózine say milliy qádiriyatları hám úrp dástúrlerin saqlaw, rawajlandırıwda beybaha bolıp esaplanadı. Xalıqtın milliy jıraw hám baqsishılıq, dástan atqariwshılıq kórkem óneriniń ayırıqsha úlğilerin asrap-abaylaw hám rawajlandırıw. Onı keń eń jaydırıwda jas áwlad, qalbinen baqsishılıq kórkem óner tarawına húrmetin hám itibar tuyǵıların kúsheytiriw. Xalıqlar ortasında doslıq tuwısqanlıqtı bekkemlewde, dóretiwshilik birge islesiwde, mádeniy-ruwxıy múnásibetleri sheńberinde xalıqaralıq kóleminde jáneде keń eń jaydırıw maqsetinde, Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2018-jıl 1-noyabrdegi «Xalıqaralıq baqsishılıq kórkem óneri festivalın ótkeriw haqqında» ǵı PQ-3990-sanlı qararı tastıyqlandı [1]. Xalıqtın ádebiyatı menen kórkem óneriniń rawajlanıwında belgili dárejede úles qosqan atqariwshılardıń xızmeti xalqımızdın kóp ásirlik tariyxınıń altın betlerin tolıqtıradı. Olar ózleriniń kelip shıǵıwı jaǵınan tereń tariyxıy tamirlarına iye. Jıraw, baqsı, sazende, qosıqshı, qıssaxan bolıp bir neshe toparǵa bólinedi.

Milliy muzıka kórkem ónerinde ózleriniń dóretiwshiliginiń baylıǵı menen ayırıqsha xalıq húrmetine iye bolǵan taraw, jıraw hám baqsishılıq kórkem óneri. Baqsishılıq kórkem óneri atqariwshılıq repertuvarında tiykarınan ashıqlıq dástanlardan «Ǵarip Ashıq», «Góruǵlı», «Yusuf Axmet», «Ashıq Nájep», «Qırmandalı», «Bazergen», dástanların atqariw sheberligi xalıq kewlinen keńnen orın alǵan. Baqsı ataması shıǵıs xalıqları arasında termin ózgesheligi menen ataladı.

Ózbek tilinde «baxshi», Túrkmén tilinde «baxshi», Qazaq tilinde «jırshı», Azerbayjan tilinde «ashúǵ», Gruzın tilinde «mıgasan», Armiyan tilinde «gusan», Qaraqalpaq tilinde «baqsı», sózleri fonetikalıq hám funktsiyalıq karakteri jaǵınan ulıwma uqsasılıǵın ǵana ańlatıp qalmastan, olardıń atqariwshılıq óneriniń de jaqınlıǵı kórinedi [2]. Baqsishılıq óneriniń bunday jaqınlıqları olardıń kóp ásirlik mádeniy baylanıslarınıń tereń tamirlarınıń eń jayıp urqan atqanlǵınan derek beredi. Jıraw hám baqsılar milliy muzıka ónerinde, yadikeshlik hám improvizatorlıq dárejesi jaǵınan oǵada kúshli atqawshılar esaplanadı. Olar nebir qıyın namalar, dástan qatarların

yadlap, uzaq-uzaq tańlarǵa sozılǵan keshelerde xalqımızǵa ruwxıy lázzet baǵıshladı. Olar aktyor joqta-akter, solist joqta-solist wazıypasın atqarıp, xalıq jıraw hám baqsı atqariwshılardıń tereń húrmetlep, talantına tań qalıp ilahiyda káramatlı kúsh dep túsindi. Baqsı sózi túrk tilles xalıqlarda burınnan kiyatırǵan eski sóz bolıwı kerek. Bul sóz eski ádebiyatlarında ushrasadı. Lutfiydin «Gúl va Navruz» dástanında: (Yanadur quastım bir yaqshılardıń, Mongol sawatını bilgen baqshılardıń), (Jaqsılardan hám mongol sazin bilgen baqsılardan támem bar) deydi. Ilimpaz A.K.Barkovtıń túrkiy tilles xalıqlardıń dástanların úyreniwge arnalǵan miynetinde olardıń ózgesheliklerine máselelerdi izertlep, qaharmanlıq poemaların (dástanların) qobızǵa qosıp atqariwshılardıń «*jıraw*» dep ataydı, al lıro-eposlıq dástanlardı ayıwshılardı bolsa «*baqsı*» dep ataladı.

Jırawlardıń atqarıp shertetuǵın saz asbabı «Qobız», Baqsılardıń atqarıp shertetuǵın saz ababı «duwtar» dep túsniń beredi. Baqsı sóziniń ózbek, qazaq, qırǵız, túrkmen, tillerinde mánislerin de kórsetedi. Ózbek eposhlıq shıǵarmaların qaysısın bolsa da «dástan» deydi. Sonlıqtan da, epostiń atqariwshıları ádetde «*baxshi*» yamasa «*shayır*» dep atalǵan, onıń ishinde xorezimlilerde «*baxshi*» dep atalǵan. Demek qazaq tilindegi «*baqsı*», qırǵızsha «*baqshı*» shaman, táwip mánisinde, túrkmen tilindegi «*baqshı*» qosıqshı, sazende degendi ańlatadı. Túrkménlerde «*shıǵır*» degen atama bar, biraq onıń «*baqshı*» dan aymashılıǵı yadlap alǵan qosıq namalardı ǵana atqarıp qoymay, bir jaǵınan ózi de qosıq shıǵaradı (tókpe shayır). «Baxshi» tek baqsılardan úyrenen shıǵarmaların ǵana atqara aladı [3]. Ilimpaz V.M.Jirmunskiy «baxshi» sóziniń erte zamanlardan kiyatırǵanlıǵın kórsetip, «shayır» sózi sol baqsılardan óz aldına shıqqan tókpe baqsılarǵa beriletuǵın ataq retinde keyinirek payda bolǵan degen juwmaqqa keledi. Baqsishılıq óneriniń bunday jaqınlıqları olardıń kóp ásirlik mádeniy baylanıslarınıń tereń tamirlarınıń keń eń jayıp urqan atqanlǵınan derek beredi. Qaraqalpaqlar arasınan Aqımbet, Muwsa, Edenbay, Shernazar, ataqlı ayqtısh baqsılar shıǵıp, baqsishılıq ónerdi joqarǵı basqıshqa kótergen. Qaraqalpaq xalqı eski kórkem ónerdi hár tárepleme úyrenip, onnan paydalangan. Nátiyjede «Ǵarip ashıq», «Yusuf Axmet», «Góruǵlı» sıyaqlı dástanlardıǵı túrli shaqapları qaraqalpaq baqsılarınıń negizgi repertuarı boldı. Baqsılar dástandı atqariwıdan baslar aldın Nawayı, Maqtumqulı, Berdaq, Kúnxoja, Ajiniyazdıń shayırlardıń násiyat, aqlı sózlerinen baslaydı. Túrkmén muzıkasınıń bizde